

МАКТАБ ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИСИНИГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТУЗИЛМАСИ

Қаршиев Аброр Амруллаевич ўқитувчи
Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: мақолада умумий ўрта таълим мактаб юқори синф ўқувчисига хос ахборот компетентлиги тузилмаси ўрганилиб, ишчи таъриф қабул қилинган ва тузилмаси тавсифи келтирилган.

Аннотация: В статье исследуется структура информационной компетентности, характерная для старшеклассника общеобразовательной средней школы, и принято рабочее определение. Дано описание структуры информационной компетентности старшеклассника общеобразовательной школы.

Annotation: The article examines the structure of information competence, typical for a senior pupil of a general secondary school, and a working definition is adopted. The description of the structure of information competence of a senior pupil of a general education school is given.

Калит сўзлар: компетенция, компетентлик, ахборот компетентлик, ахборот – комуникатция технологиялари, мактаб.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида” ги 2017 йил 15 августдаги № 5024-сонли Фармойишида мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим бериш орқали ёшларнинг ҳар томонлама етук, маънавий, интеллектуал, эстетик ва жисмоний жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишлари, педагог ходимларнинг юқори малакага эга бўлишлари, илғор хорижий тажрибаларни таълим тизимига жорий этиш орқали таълим самарадорлигига эришиш билан боғлиқ катор муҳим йўналишлар белгилаб берилган. Давлат таълим стандартларида қайд этилган компетентли мутахассис таёрлаш мақсади таълим мазмунигина эмас, ўзлаштириш воситалари ва таълимни ташкил қилиш жараёнини ҳам ўзгартиришга олиб келади. Кўп нарсани биладиган, лекин ҳеч бир фойдали ишни амалга ошира олмайдиган ўқитувчининг жамиятга ҳам, ўзига ҳам фойдаси тегмайди. Шу сабабли ўқув фаолиятдан кўзланган асосий пировард мақсад – фаолиятни

амалга оширишга ёрдам берадиган компетенцияларни шакиллантириш ва компетентликни ривожлантириш. Таълим тизимида ўтган асрнинг 60 йилларида янги тадқиқот йўналиши бўлган компетентли ёндашувнинг вужудга келиши ҳамда хорижий педагогик ва методик манбаларда пайдо бўлган «компетентлик» ва «компетенция» тушунчалари аслида ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, одатда компетентликнинг ошиши компетенция доирасининг кенгайишига олиб келади ва компетенция доирасининг кенгайиши компетентлик даражасининг ошиши заруратини таъминлайди.

Тадқиқотчилар “компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларига турлича таъриф беришган. Масалан, А.В. Хуторскойнинг фикрича: “Компетенция шахснинг муайян предмет ва жараёнларга нисбатан ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамда самарали фаолият юритиш учун зарур бўлган бўлган хусусиятлар (билимлар, кўникмалар, малака, фаолият юритиши усуллари) йиғиндисидир; компетентлик эса – инсоннинг фаолият предметига нисбатан шахсий муносабатини ўз ичига олувчи муайян компетенцияга эга эканлигидир [12]. А. В. Хуторской компетентлик тушунчасига таъриф берганда шахснинг нафақат касбий тажрибасини, балки унинг билим доираси кенглигини ҳам назарда тутаяди, яъни ушбу масалага кенгроқ ёндашади. Бинобарин, компетентликка эга бўлиш – муайян билимлар ва муайян тавсифлар (фазилатлар) га эга ёки муайян ҳолатдан хабардор бўлиш демакдир; компетенцияга эга бўлиш эса – муайян бир соҳада маълум имкониятларга эга бўлиш демакдир.

Фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида таълим муассасаларида юқори даражада автоматлаштирилган ахборот муҳитини шакиллантиришга имкон бермоқда. Шунга кўра, ўқитиш инсонларда уларга ҳаёт кечиришнинг янги ахборот муҳитида, жумладан ўқитишнинг замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш шароитларида таълим олиш учун ҳамда янги яхлит оламни тушуниш ва ахборотли дунёқараш учун зарур бўладиган янги компетентликларни шакллантиришни таъминлаши керак.

Ф. С. Шлехтининг таъкидлашича, «мактаб дастурининг таянч курсини муваффақиятли ўзлаштирган ўқувчилар ўз билимларини таниш вазиятларда қўллашга ўрганадилар, аммо ахборот билан мустақил ишлаш кўникмаларини эгалламайдилар, ахборотлашган жамиятда муваффақиятга эриша олмайдилар» [13].

Н.А.Морозованинг шахс ривожланишининг турли ёш даврларида ҳар хил асосий компетентликларни шакллантириш зарурлигини таъкидлайди

(масалан, мактабгача даврда – биринчи навбатда шахсий ва коммуникатив; мактаб даврида – умуммаданий, ўқув-билиш, ахборот, коммуникатив; касбий тайёргарлик даврида – қадриятли-мазмунли, умуммаданий, ижтимоий-меҳнат, ахборот, коммуникатив, сиёсий ва ижтимоий, кўп маданиятли жамиятда яшаш компетентликлари, бутун умр давомида таълим олиш қобилияти ва истагини амалга оширувчи компетентликлар) [14]. Аммо, инсонда бутун ҳаёти давомида шаклланиши лозим бўлган бир қатор компетентликлар ҳам мавжуд. Бундай компетентликларга ахборот компетентлиги ҳам киради. Шунинг учун ҳам замонавий умумий таълим мақсадларидаги асосий устунликлардан бири ахборот компетентлиги ҳисобланади. Ахборот компетентлиги тушунчаси ҳақида бугунги кунда аниқ белгиланган таъриф мавжуд эмас. О. Г. Смолянинова, шунингдек, ахборот компетентлигини «ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, ифодалаш ва етказишнинг, ахборотни умумлаштириш, тизимлаштириш ва билимга айлантиришнинг универсал усули» сифатида талқин этган [9].

Л. Г. Осипова ахборот компетентлиги остида «кенг, жадал янгиланувчи ва ўсиб боровчи ахборот майдонида мўлжал олишни билиш, зарур маълумотни тез топиш ва уни ўз фаолияти тизимига киритиш, амалий ва тадқиқотчилик вазифаларини ҳал этиш учун қўллаш»ни тушунади [8].

О.И. Кочурова ахборот компетентлиги остида «муайян касбда зарур бўлган касбий алоқадор бўлган маълумотни олиш, қайта ишлаш, етказиш, сақлаш ва ифодалаш даражасини таъминловчи компьютер билимлари ва кўникмалари» тизимини тушунади [7].

А. В. Хуторской ахборот компетентлигига зарур ахборотни мустақил излаш, таҳлил қилиш ва танлаш, уни ҳақиқий объектлар (телевизор, магнитофон, телефон, факс, компьютер, принтер, модем, нусха кўчириш ускунаси) ва ахборот технологиялари (аудио- ва видеоёзиш, электрон почта, оммавий ахборот воситаси, Интернет) ёрдамида ташкил этиш, қайта ташкил қилиш, сақлаш ва етказиш кўникмаларини киритади. Мазкур компетентлик «ўқувчининг ўқув фанларидаги ва таълим соҳаларидаги ҳамда атрофдаги оламда мавжуд ахборот билан фаолияти малакаларини таъминлайди» [12].

С.Д. Каракозов ахборот компетентлигини: «ахборот жамияти фуқаросининг ўзи учун сир ҳисобланмаган ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш имконияти билан ифодаланади деб ҳисоблайди» [6]. В. Г. Билинкина эса ахборот компетентлиги «ахборотга ишлов беришнинг аналитик методларини билиш; телефондан то шахсий компьютер ва компьютер тармоқларига қадар турли техник қурилмалардан фойдаланиш бўйича аниқ малакаларда; турли манбалар ахборотларидан фойдаланиш ва олиш, тушунарли кўринишда

ифодалаш ва унинг турли кўринишлари билан ўзининг психологик-физиологик маълумотларида мос равишда самарали ишлашда; ахборотнинг янги манбаларини яратиб, ўз ишида ахборот коммуникация технологияларидан ҳар томонлама фойдаланиш қобилияти» да намоён бўлишини таъкидлайди [1].

Ахборот компетентлик, шунингдек, ахборот технологияларининг салбий оқибатларини бартараф этиш қобилиятида (масалан, ҳақиқатдан йироқлашиш, компьютердан кўрқиш, мулоқотнинг пасайиши, мулоқот бўйича шеригининг шахсини ҳисобга олмаслик ва уни хабарлар тўпламига тенглаштириш ҳисобига меҳнатни ноинсонпарварлаштириш ва бошқалар) ҳам ифодаланади.

Адабиётлар таҳлили «ахборот компетентлиги» тушунчасининг кўп қирралилиги тўғрисидаги хулоса чиқариш имконини берди. Аҳамиятли белгилар қаторига ахборотли дунёқараш, информатика соҳасидаги назарий билимлар, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва фойдаланиш бўйича билимлар, кўникмалар ва малакалар мажмуи, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг амалий кўникма ва малакалари, фаол ижтимоий қарашларнинг ва таълим муҳити субъектлари мотивациясининг ифодаланганлиги киритилади. «Ахборот компетентлиги» тушунчаси тадқиқотчилар томонидан тор ва кенг маънода ўрганилади. Тор маънода ахборот компетентлиги ахборотни излаш, қабул қилиш, қайта ишлаш, тақдим этиш, узатиш учун янги ахборот технологиялари, замонавий техник воситалар ва методлардан фойдаланиш кўникмаси билан боғланади.

Бизнинг фикримизча, ахборот компетентлиги нафақат ахборот билан ишлаш учун янги ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаси билан, балки ахборотни таҳлилий-синтетик қайта ишлашни амалга ошириш, ахборот-излаш тизими сифатида кутубхонадан фойдаланиб ахборот-излаш вазибаларини ҳал қилиш, яъни анъанавий технологиялардан фойдаланиш орқали ахборот фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ.

Бугунги кунда “ахборот компетентлик” тузилмаси ватанимиз ва хорижий мамлакатлар тадқиқотчилари ўртасида мунозора мавзуси бўлиб келмоқда. Тадқиқотчиларнинг деярли кўпчилиги (В.В. Брежнев, Д.С. Ермаков, В.С. Тришина, А.В. Хуторский ва бошқалар) ушбу тушунчанинг камида иккита, яъни когнитив, амалий фаолиятли компонентларни ўз ичига олган мураккаб, кўпаспектли тавсифини қайд этишган.

Д.С. Ермаков “ахборот компетентлик” тузилмаси ҳақидаги тажрибаларни умумлаштириб, унинг таркибида қуйидаги элементларни

ажратган: ахборот ва ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан ишлаш методларини ўрганишга мотивация ва қизиқиш мавжудлигини кўзда тутувчи, билимларни излаб топиш мақсадида ахборот билан ишлаш заруриятини англашга имкон берувчи, эҳтиёжли-мотивацион; ахборотли фаолият мақсади ҳақидаги билимларни ва ахборот билан ишлаш кўникмаларини, шунингдек, ахборотни қайта ишлашнинг аппаратли-дастурий воситаларининг ишлаш тамойиллари ва имкониятлари ҳақидаги билимларни ўз ичига олган когнитив; ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ижодий фаолият тажрибалари билан бирлаштирувчи амалий-фаолиятли; ташкилотчилик, ҳозиржавоблик каби бир қатор шахс сифатларида ўз аксини топган эмоционал ҳиссий; ахборот ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятини англашни фаоллаштирувчи кадриятли-мазмунли [4].

Худди шундай тузилма С.В. Тришина ва А.В. Хуторскойлар томонидан ҳам таклиф этилган бўлиб, уларнинг фикрича ахборот компетентлик қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: касбий масалаларни ижодий ечиш учун зарур бўлган ўзлаштирилган билимлар тизимини ўз ичига олган когнитив: касбий фаолиятда ўз ўзини амалга ошириш учун зарур бўлган турли хил фаолият усулларини шакллантириш ва ривожлантиришга имкон берувчи фаолиятли-ижодий; эҳтиёж ва мотивларга жавоб берадиган, субъектнинг шахсий сифатларида акс этадиган шахсий; энг муҳим кадриятли йўналишларни аниқлашда таълим олувчига ёрдам кўрсатувчи аксиологик [10].

Е.В. Петрованинг фикрича шахснинг ахборот компетентлиги жамиятнинг ахборот компетентлиги билан узвий боғлиқ. Улар узвий ўзоратаъсирлашуви натижасида бири бирини бойитади ва ривожлантиради. унга кўра ахборот компетентлик қуйидаги тузилмага эга: касбий масалаларни ечиш учун зарур бўлган ўзлаштирилган билимлар мажмуаси; касбий фаолиятда ўз ўзини амалга ошириш учун зарур бўлган турли хил фаолият усуллари мажмуаси; субъектнинг шахсий сифатлари, компетентликни оширишга йўналтирилган эҳтиёж ва мотивация; энг муҳим кадриятли йўналишларни танлаш [11].

В. В. Брежнев томонидан эса ахборот компетентлигининг бир мунча бошқача тузилмаси таклиф этилган [2]. У мотивацион ва кадриятли компонентларни мотивацион- кадриятли кўринишда биттага бирлаштиришни таклиф этган. Унинг фикрича бундай бирлаштириш ахборот билан ишлашнинг муҳимлигини англашга, муҳим ахборотларни излаб топишга мотивациянинг пайдо бўлишига, ахборот технологияларидан

фойдаланишнинг муҳимлигини тушунишга, мустақил таълим олишга интилишга, ахборот билан ишлашга эҳтиёжни пайдо бўлишига, таълим олувчида суюбъектив позиция пайдо бўлишига, ахборот муҳитга мўлжал ола билишга ва билимлар манбаси сифатида ахборот таълим ресурсларидан фойдаланишга тайёрлигини англашга имкон беради. Шунингдек, В.В. Брежнев таклиф этган тузилмада қадриятли мотивацион компонент билан бирга, табиат ва жамиятдаги ахборотли жараёнлар ҳақидаги билимлар махмуасини эгаллашга имкон берадиган, турли хил ахборотларни излаб топиш, олиш, алмаштириш ва фойдаланишни кўзда тутувчи таълимий фаолиятни бошқаришга қобилиятни шакллантиришни таъминловчи, оламнинг ички ахборотли манзарасини яратишга ва ушбу оламда шахснинг ўзини аниқлашига маъсул бўлган когнитив ва операцион фаолиятли компонентлар ҳам иштирок этади.

В.В. Брежневнинг таснифи бўйича ахборот компетентли тузилмасидаги охирги элемент бу ўзини ўзи назорат қилишга, ахборотли фаолияти жараёнида ахборот ва коммуникация билан ишлаш натижаларига танқидий баҳо бера оладиган рефлексив-коммуникатив компонентдир.

Н.Ҳ. Насированинг фикрига кўра ахборот компетентлиги қуйидаги элементларга эга: техник, дастурий воситалар ва ахборот соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга мотивация, эҳтиёж ва қизиқиш; замонавий ахборот жамиятининг тизимини ифодоловчи ижтимоий, табиий ва техник билимларнинг мажмуаи; изланишли билишга оид фаолиятнинг ахборот асосини белгиловчи усуллар ва амаллар; дастурий таъминот ва техник ресурслар соҳасида изланиш фаолияти тажрибаси; “инсон-компьютер” муносабатлари тажрибаси [5].

Ахборот компетентлиги тузилмаси ҳақидаги мавжуд ёндошувлар таҳлили бизга қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди: ахборот компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоси билан бир қатор ватанимиз ва хорижий тадқиқотчилар шуғулланганлигига қарамасдан, ҳозирга қадар унинг ягона тузилмаси мавжуд эмас: Мавжуд ёндошувлар эса турли хил асосларга таянади ва шунинг учун ҳам урғу ахборот компетентлигининг тузилмасидаги турли ташкил этувчиларга қаратилган.

Бизнинг фикримизча мактаб юқори синф ўқувчисининг ахборот компетентлиги қуйидаги ўзарабоғланган ва ўзара шартлашилган ташкил этувчиларнинг мураккаб тизимини ўз ичига олади:

- ички тўсиқларни бартараф этиш, таълим олувчининг онгини ва унинг ахборотли муҳитда ишлашга психологик тайёргарлиги учун зарур бўлган шароит яратишни кўзда тутувчи қадриятли-мотивацион компонент. Таълим

олувчиларда ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан қизиқиш ва мустақил таълим олишга эҳтиёж пайдо қилиш учун улар ахборотнинг ахамиятини тўласинча англаши зарур. Ана шундан сўнггина таълим олувчида кундалик ҳаётда, ўқув ва касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фаол фойдаланишга эҳтиёжни шакллантириш мумкин бўлади;

- когнитив компонент – ахборот билан ишлаш тамойиллари ҳақидаги назарий билимлар, ахборотни излаб топиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, филтрлаш, ҳимоялаш, узатиш кўникмалари мажмуаси;

- амалий–фаолиятли компонент – бу қайд этилган барча назарий билимлар мажмуасини кундалик ҳаётга, ўқув ва касбий фаолиятга қўллаш кўникмаси;

- этик-ҳуқуқий компонент – ахборотлашган муҳитда индивидуд хулқини регламентловчи меъёрлар, қоидалар ва қонунларни билиш ва риоя қилиш;

- рефлексив – ўзининг хатти-ҳаракатлари ва поступкаларини ўзи баҳолаш ва ўзи таҳлил қилиш. Таълим олувчининг ўзини ўзи ривожлантириш ва ўзини ўзи амалга ошириши учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, таклиф этилаётган ахборот компетентлик тузилмаси юқори синф ўқувчиларида ахборот компетентликни ривожлантиришга имкон беради.

Адабиётлар

1. Былинкина В.Г. Медиаобразование в лицее [Электронный ресурс]- Электрон. ст.- Режим доступа к ст.: http://ep.perm.ru/sections/doc_view.php?did=223.

2. Брежнев В.В. Содержание и структура информационной компетентности старшеклассника // Ученые записки. Электронный научный журнал Курского государственного университета. URL: <http://www.scientific-notes.ru/pdf/017-21.pdf>.

3. Гендина Н.И. Концепция формирования информационной культуры личности [Электронный ресурс]- Электрон. ст.- Режим доступа к ст.: <http://nii.art.kemerovonet.ru/index.php?trg=unesco/1>.

4. Ермаков Д.С. Информационная компетентность: получение знаний из информации // Открытое образование. М., 2011. №1. С. 4-8.

5. Насырова Н.Х. Проектирование подготовки студентов гуманитарных факультетов классического университета по информатике: Автореф. дис. ... канд. пед. Наук - Казань, 2000.- 17 с.

6. Каракозов С.Д. Информационная культура в контексте общей теории культуры личности // Педагогическая информатика.- 2000.- № 2.- С. 41-55.

7. Кочурова О.И. Система обучения взрослых использованию компьютерных технологий в профессиональной деятельности: Автореф. дис. ... канд. пед. наук.- СПб., 1996.- 20 с.

8. Осипова Л.Г. Деятельность педагогического коллектива по достижению современного качества образования // Совершенствование структуры школьного образования на основе возрастного подхода: Материалы по итогам конференции 9-10 января 2003 года - Калининград, 2003.- С. 22-25.

9. Смолянинова О.Г. Развитие информационной и коммуникативной компетентности будущих учителей на основе использования мультимедиа-технологий // Педагогика развития: ключевые компетентности и их становление: Мат. 9-ой научно-пр. конф./ Краснояр. гос. унт.- Красноярск, 2003- С. 158-169.

10. Тришина С.В., Хуторской А. В. Информационная компетентность специалиста в системе дополнительного профессионального образования // Интернет-журнал «Эйдос». 2004. URL: <http://www.eidos.ru/journal/2004/0622-09.htm>.

11. Петрова Е.В. Информационная компетентность в образовании как залог успешной адаптации человека в информационном обществе // Информационное общество. М., 2012. №2. С. 37-43.

12. Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированного образования // Народное образование. – 2003.- № 2. С. 58-64.

13. Шлехти Ф.С. Школа для XX века. Приоритет реформирование образования – Сан – Франциско, 2004. 46

14. Морозова Н.А. Дополнительное образование как одна из наиболее значимых основ обеспечения формирования ключевых компетенций человека. Проблемы качества образования. Книга 2. Компетентность человека – новое качество результата образования: Мат. XIII Всерос. Сессии. – М.: Уфа: Исслед. Центр проблем кач-ва подг-ки спец-в, 2003. С.60-67.